

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Педагогика ва жисмоний маданият факультети
Муסיқий таълим йўналиши 313- гуруҳ талабаси
Мирзаева Нигорахоннинг

“Хоршунослик”
фанидан
“Хорларнинг турлари ва кўриниши”
мавзусида ёзган

РЕФЕРАТИ

Хорларнинг турлари ва кўриниши

Режа:

- 1. Хор ҳақида тушунча**
- 2. Хор партиялари**
- 3. Аёллар хори, эркеклар хори**
- 4. Болалар хори, аралаш хори**
- 5. Вокал-хор ижрочилиги ва унинг ривожланиши**

Хор-бу вокал мусиқани чолғу асбоблар жўрлигида ёки жўрсиз (a-cappella) ижро этувчи хонандалар гуруҳи

“Хор”-атамаси юнонча “choros” сўзидан олинган бўлиб, “тўда, йиғин” маъносини билдиради.

Кўп вақтлардан буён хор опера, оратория, кантата, баъзан симфонияда қўлланилади.

Хор ижодий уюшган гуруҳ бўлиб, у маълум овозга эга бўлган ижрочи хонандалардан ташкил топади.

Хор деб махсус ташкил қилинган вокал-хор техникасига, бадиий-ифода воситаларига эга бўлган ва шу воситалар орқали ижро қилинадиган асарнинг мазмунини эшитувчиларга етказиб бера оладиган гуруҳни аташи мумкин. Мусиқа амалёти давомида хорнинг ҳар хил турлари ва кўриниши пайдо бўлади. Хор тури, хорнинг тузилиши, сифатига қараб аниқланади. Турига кўра хор бир хил ёки аралаш тузилишда бўлиши мумкин. Бир хил тузилишдаги хорларга алоҳида эркаклар хори, аёллар хори, болалар хори киради.

Хор кўриниши хорни ташкил қилувчи мустақил хор партияларининг сони билан белгиланади. Икки овозли хор, уч овозли хор, тўрт овозли хор ва ҳоказо. Ҳар бир хор партияси маълум бир жойда 2-3 овозларга бўлиниши мумкин. Бундай бўлиниш дивизи (Италянча *divisi* – бўлинган) дейилади.

Аралаш хор одатда тўрт овозлиликдан иборат лекин бунда ҳам кўп овозга мўлжалланган хор асари ҳам учрайди.

Хор партиялари

Хор гуруҳини ташкил этиши шартларида бири ҳар бир хор партиясини овозлар билан тўғри таъминлашдир.

Диапазон - (Юнонча – diapason) мусиқа асбоби ёки овоз ҳажми.

Тембр – (Франсузча – timbre) – товуш туси ва овоз кучи жиҳатидан бир бирига яқин бўлган ашулачилар гуруҳига хор партияси дейилади.

Хор тўрта асосий партияларга тақсимланган овозлардан иборат:

Сопрано, альт – аёллар овози.

Тенор, бас – эркактлар овози.

Хор партияларининг таркиби.

Хор партияларининг таркибига баланд ва паст овоз гуруппалари киради. Хор партияларининг баланд овозлари биринчи I, паст овозлари эса иккинчи II овозлар деб юритилади. Биринчи овозлар гуруппасига асосан барча лирик овозлар, иккинчи гуруппасига драматик овозлар киради.

Сопрано партияси

Сопрано I	Сопрано II
Лирик – колоратурали, лирик	Лирик – драматик, драматик

Альт партияси.

Альт I	Альт II
Меццо-сопрано Лирик – меццо сопрано	Драматик меццо – сопрано. контральто

Тенор партияси






Тенор I	Тенор II
Тенор – альтино, Лирик тенор,	Драматик - тенор

Бас партияси

Бас I	Бас II
Лирик баритон, Драматик баритон	Марказий бас Октавачилар

Хорда лирик ва драматик овозларнинг қўлланиши хор партиясининг ранг-баранг тембр хусусиятларини юзага келтиради ва бадий ифода имкониятларини тўлиқ намоён қилади.

Диапазонлари.

Умумий диапазон	ишчи диапазон.
С  до I окт до III окт	 ми I окт соль, ля II окт
А  фа кич. окт фа II окт	 ля кич. окт до, ре II окт
Т  до I окт до III окт	 ми I окт ля II окт
Б  фа кат. окт фа I окт	 ля кат. окт ре II окт

Аёллар хори

Аёллар хори Сопрано ва Альт партияларидау иборат. Диапазони 2 октавадан ошиқроқ (фа, сол (кичик) – ля (2)). Одатда аёллар хори С I – С II ва Альт овозларни ўз ичига олади. Тўрт овозли аёллар хори I – II Сопрано ва I–II Альт овозларидан ташкил қилинади. Альт партияси овозларининг группаларга бўлиниши кам учрайди.

Кўпчилик ҳаваскорлик, халқ ва профессионал аёллар хори, бадий ижрочиликда катта ютуқларга эришган. Масалан: Рига шаҳар “Дзинтарс” аёллар халқ хори, шимол рус халқ кўшиқлари хори ва бошқалар.

Эркаклар хори.

Эркаклар хори тенор ва бас партияларидан иборат. Диапазони 3 октавадан ортиқ (ля – ^{кичик}ля¹ – до²). эркаклар хори Т I – Т II ва баслардан ёки тенорлар, баритонлар ва баслардан ташкил қилинади. Тўтр овозли эркаклар хори I-II тенорлар ва I-II баслардан тузилади. Эркаклар хори катта ижрочилик имкониятига эга ва репертуари бой. Мамлакатимизда Болтиқбўйи, Грузияда, Европа мамлакатларида Болгарияда, Чехословакияда эркаклар хори кенг тараққий этган бўлиб, миллий хор маданиятини асоси ҳисобланади. Ижрочилик йўналиши бўйича халқ хори, академик хор, шунингдек ашула ва рақс ансамбиллари турига бўлинади. Профессional хорлардан эркаклар академик хори (Эстония), Қизил байроқли А.Александров номидаги ашула ва рақс ансамбли, Моравия ўқитувчилар хори, “Дзинтерс” эркаклар халқ хори (Рига) ва бошқалар кенг танилган.

Болалар хори

Болалар хори дискантлар (сопрано) ва Альт партияларидан иборат. Улар ёшларига кўра уч турга бўлинади:

- 1) Мактаб ёшидаги кичик группа (кичик хор 7 – 10 ёш).
- 2) Мактаб ёшидаги ўрта группа (ўрта хор 11 – 13 ёш).
- 3) Мактаб ёшидаги катта группа (катта ёки ўсмирлар хори 14 – 18 ёш).

Ўсмирлар хори (икки овозли) фақат катта ёшдаги ўсмир болалардан ташкил топади. Мактаб ёшидаги катта группа аралаш ёшлар хорини (сопрано, альт ва ўсмир болалар) ташкил этиши мумкин. Хор билим юртларида, хор студияларида 7 -15 ёшдаги ўғил болалардан тузилган махсус хорлар ҳам мавжуд. Тўрт овозли аралаш турларидан бири ўғил болалар ва ўсмирлар (тенорлар ва баслар)дан ташкил топаган хордир. Бунга мисол қилиб Лейпцигдаги “Томанер хор”, Дрездендаги “Кройц хор”ни, Латвиядаги “Ажуолюкас” хорини кўрсатиш мумкин. Москвадаги бадиий тарбия институтининг хори, В.Локтев номидаги Ашула ва рақс ансамбли, Бутуниттифоқ телевидение ва радиосининг болалар катта хори, болгар хори,

Таллин ўсмирлар саройининг “Еллерхайн” хори ва бошқа кўп болалар хори юксак ижрочилик маҳоратини намоиш қилишмоқда.

Аралаш хор.

Муסיқа амалётида тўрт хор партияси (сопрано, альт, тенор, бас)дан иборат тўлиқ таркибдаги аралаш хор бошқа хор турларига нисбатан кенг тарқалган. Диапазони тўрт октавадан ошиқ (ля ^{контр} – до³). Бу хорнинг ижрочилик имкониятлари кенг ва хилма-хил. Тембр ранг-баранглиги, техник имкониятларининг кенглиги, динамик белгилари бойлиги (pp дан – tt гача) жихатидан аралаш хорнинг (овозлар сони жихатидан) ранг-баранг “Кўп қатламли” садоланишни симфоник оркестр садоланишига ўхшатиш мумкин.

Москва Камер хори, Масква Ёшлар ва студентлар хори, М.Глинка номидаги Ленинград академик хори, Арман хор капелласи, Болгария хорлари ва бошқалар ажойиб ютуқларни қўлга киритганлар.

Тўлиқ бўлмаган аралаш хор.

Тўлиқ бўлмаган аралаш хор бирор хор партияси етишмайдиган хордир. Бу хор учта хор партиясининг турли вариантидаги бирикмасидан иборат:

- 1) C+A+T,
- 2) CI+CII+T ёки бас,
- 3) C+T+B,
- 4) A+T+B,
- 5) C+A+B,

Энг кўп учрайдиган тури сопрано, альтлар ва бирлашиб бир овоз бўлиб куйловчи эркаклар овози (C+A+TB) дан ташкил топган хордир. Эркаклар хори тенор, баритон ва бас партиялари диапазонидан тўлиқ фойдаланмаслиги сабабли бундай хорнинг вокал ижрочилик имкониятлари чекланган. эркаклар партияси диапазони До ^{катта} – ре¹.

Тўлиқ бўлмаган аралаш хор кўпинча бадий ҳаваскорликда ва драматургия хусусиятлари талаб қилинган ўринда опера асарларида қўлланилади.

Вокал-хор ижрочилиги ва унинг ривожланиши

Вокал-хорижрочилиги ҳозирги кунда кенг тарқалган асл халқ саънати турларидан биридир. Вокал-хори жрочилиги одамларда чуқур эстетик завқ уйғотибгина қолмай, инсоний ва маънавий савиясини, бадий дидини оширишга ёрдам беради. Вокал-хор жанри хонандалик жозибаси билан хайратга солувчи ўзига хос санъатдир. У инсоннинг энг яхши ҳис туйғуларини уйғотиб, ҳаяжонлантириш, қизиқтириш хусусиятига эга, шу сабабдан вокал-хор ижрочилари билан бир қаторда тингловчиларнинг ҳам бадий – ғоявий тарбияланишидаги роли жуда катта.

Тарбия воситаси сифатида хор ижрочилигининг анъаналари қадим даврларга бориб тақалади. Халқимизнинг воқеаларга бой бўлган бутун тарихи кўшиқ билан боғланган ва унда ўз аксини топган. Кўшиқда ва айниқса, Вокал-хор ижрочилардаги асарда умуман бир томондан инсонни жонлантирувчи ва ботинан ҳаракатга солувчи сифатлар бўлса, бошқа томондан меҳнатни ташкил қилишга, бирдамлик билан бирор мақсадга эришишга ундовчи хислатлар бор. Шунинг учун меҳнат аҳли иш жараёнида иш кучини бирлаштириш учун кўшиқлардан кенг кўламда фойдаланадилар, ана шунинг учун ҳам муסיқий гуруҳларда кўшиқни жорий қилиш талаб этилади. У бир қанча алоҳида туйғуни ягона кучли туйғуга бирлаштиради ва бир қанча қалбни ягона, теран ҳис қилувчи қалбга айлантиради, кўпчиликнинг кучи билан билим олиш машаққатлари устидан ғалаба қозониши бу жуда муҳим. Бу мулоҳазалардан қуйидагича мулоҳаза қилиш мумкин: талабаларда ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғулари ва жамоа бўлиб бирлашиш каби хислатларини тарбиялашда вокал-хор ижрочилиги жуда катта аҳамиятга эга.

Вокал-хор санъати бир томондан ижрочиликнинг энг оммовий шакли бўлса, бошқа томондан аксарият хислатлари билан ўзига хос индивидуал характерга эга. Ижрочилик маҳорати, куйлаш усули, репертуари, вокал-хор ўқитувчисининг қобилияти каби индивидуал характердаги хислатлар вокал-хор жамоасининг ижодий “қиёфа”сини бошқасидан ажратиб туради.

Вокал-хор ижрочилиги мусиқа санъати тури сифатида икки – академик ва халқ ижрочилиги йўналишларида ривожланиб келмоқда. Куйлаш усули, товуш ҳосил қилиш характери, овозларнинг тембр турланиши, ижрочилигини техникаси усуллари ва ифодалаш воситаларининг имкониятларига қараб вокал-хор ижрочилиги услуби аниқланади. Академик вокалнинг асосий вазифаси ўзбек, рус ва чет эл классик асарларининг энг яхши намуналарини ижро этиш ва тарғиб қилишдан иборат. Бу асарлар ижрочининг академик услубига тўғри келади ва академик вокал-хор хонандалиги мактаби ҳисобланади. Асарлар вокал-хор ўқитувчисининг бошчилигида ва фортепиано жўрлигида ижро этилади.

Юртимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб иқтидорли ёшларнинг ижодий ютуқларини янада ривожлантириш, тарғибот – ташвиқот қилиш учун имкониятларнинг кенгайганлиги, миллий таълим тизимининг чуқур ислоҳ қилиниши вокал педагогикасининг вазифасидир.

Тарихимиз тараққиётларида мусиқа санъатининг барча жанрлари қаторида қўшиқчиликнинг ҳам ўзининг маълум тарихига эгадир. У она алласидан бошланиб, оламга машҳур, етук қўшиқчи даражасига эришган буюк сиймоларнинг босиб ўтган йўли каби узоқ даврни ўз ичига олади.

Мусиқамиз тарихида санъатнинг бу турига бағишланган жуда кўп маълумотлар, уни ривожлантириш йўлида ёзилган илмий – методик қўлланмалар, тавсияномалар, тўпламлар ҳам анчагина мавжуд. Шу билан бирга қўшиқчиликнинг миллий хусусиятлари – ю, уни янада ривожлантириш борасида эришилган тажрибаларни кенг ўқувчилар оммасига ёйишда ва ўзлаштиришда эҳтиёж сезган талабаларга кўмакдош бўладиган асарларни яратиш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир. Бундай асарларни

бир тўпламга жо қилиб, тўпламга атоқли бастакорлар яратган, халқ оммаси орасида оммалашган қўшиқлар намуналари ўрин олган бўлиши зарур. Вокал-хор жанри санъати бўйича ўқитиш махсус ўқув даргоҳларида айрим дарсларида олиб борилади. Унда овоз ҳосил қилиш малакалари билан тортиб, хонандалик санъати қамраб олинади.

Маълумки, ҳар қандай санъат ўз – ўзидан ривожланмайди. Унга халқ ҳаёти, воқеликдаги жўшқин ўзгаришлар, жамият ривожига воқеалар таъсир бериб, уни йўлга солиб, ривожлантириб туради. Чунки санъатнинг ҳам ифода объекти халқ ҳаёти, унинг ишлари, ўсиш – ўзгаришдаги муваффақиятларидир. Санъат халқ ҳаёти билан қанчалик чамбарчас алоқада бўлса, у шунчалик ривож топади, асарлари ҳаётий бўлиши таъминланади, яшовчан бўлади ва халқ муҳаббатини қозонади.

Ўзбек санъатининг ҳозирги аҳволига назар ташлайдиган бўлсак, вокал-хор жанри ҳам жадал тараққий этаётганининг шохиди бўламиз. Муסיқамизнинг унисонлик даражасидан симфоник даражасига, приматив театр томошаларининг балет, опера савиясига етишганлиги, хуллас барча турлар бўйича янгидан янги жанрларда жуда кўплаб асарлар вужудга келганлиги санъатимиз юқори босқичга кўтарилганлигидан далолат бериб турибди. Вокал-хор жанри бўйича мувоффақиятларимизнинг ўзи ҳам ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Вокал-хор жанри аслида профессионал санъатни озиқлантириб турадиган ҳаётбахш манбалардан биридир. Шунинг учун ҳам вокал-хор жанри санъати юксак даражага кўтарилган жойда профессионал санъат кадрлари ҳам кўп етишиб чиққан бўлади. Чунки вокал-хор жанри ўзининг энг яхши вакиллари профессионал санъатга узатиб, унинг сафини бойитиб туради. Вокал-хор жанри профессионал санъат талантларининг сарчашмаси, аниқроғи буюк санъат даргоҳига олиб ўтадиган ўзига хос бир кўприқдир.

Вокал-хор жанри йиллир ўтиши билан ҳар жиҳатдан ўсади ва такомиллашади. Айниқса иккинчи жаҳон уришидан кейинги йилларда анча ривож топди. Вокал-хор жанрининг туман, вилоят, республика миқёсидаги

кўрик ва танловлари ўтказилиб келинаётган эстетик тарбия соҳасидаги ишларнинг анчагина жўнашиб кетишига амалий ёрдам берди. Оқибатда халқ орасида анча – мунча хушовоз хонандалар борлиги аниқланди, уларнинг кўрик ва танловларда чиқишлари яхши баҳоланди.

Ўқувчиларнинг эстетик, ғоявий – бадиий тарбиясининг мувоффақият билан амалга оширилиши, замонамизнинг ҳар жихатдан етук, гармоник жихатдан камолга етган, таъби нозик, гўзалликнинг кадрига етадиган эстетик дидли кишилар бўлиб етишишларида вокал тўғаракалри ва вокал ижрочилги дарслари кўп ишларни бажаради. Чунки талаба мусиқа гуруҳига киргандан кейин ундаги истеъдод куртаклари бўрта бошлайди. Вокал ўқитувчилари талабадаги иштиёқ нимага мойиллигини аниқлаб, уни муайян тўғаракка жалб этадилар. Бу эса талаба истеъдодининг тўғри йўлга тушиб олишини таъминлайди. Хуллас, республикамизда санъатнинг барча жанрлари сингари вокал жанри бўйича муносиб кадрлар етишиб чиқиб, ўзбек санъати довуғини жаҳонга таратмоқдалар.